



ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 5 май ● сешанба ● № 18 (635) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Аёллар ва ёшлар фаоллиги

уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига ҳам боғлиқ

МУСТАҚИЛ мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу борада мустақкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, хотин-қизларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, оилани мустақкамлаш, ёш авлод камолоти учун ғамурликни кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар қилинмоқда, шу мақсадга йўналтирилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

ЯҚИНДА Адлия вазирлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ўзбекистонда хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш: муаммо ва ечимлар" мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Тадбирни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Ахмедов

бошқарди. Унда сўзга чиққан Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом Насриев ҳуқуқий соҳадаги туб ўзгаришлар, янги ҳуқуқий муносабатлар, уларнинг мазмун-моҳиятини аёллар ва ёшларга тушунтириб боришни ҳам тақозо этишини таъкидлади.



май — Хотира ва Қадрлаш куни



Хотира уйғонса гўзалдир...

Президентимиз Фармонига биноан 1999 йил 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди.

1999 йил Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонида Хотира мажмуи очилди.

2007 йил 17 сентябрда Президентимизнинг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

АЛЛОМА шоиримиз топиб айтган. Дарҳақиқат, бу дунёда хотирадан гўзалроқ ва улуроқ туйғу йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари тарихий хотирасиз келажак йўқ, деб таъкидлайди. Ва айнан шунинг учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 1999 йилнинг 2 мартда иккинчи жаҳон уруши якуни топган сана — 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги Фармонга имзо чекди.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОР. Ушанда қишлоққа боргандим. Уйга келганимни эшитган, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси (ҳозирда марҳум) Фармон бобо Болиев йўқабди. Бордим. Суҳбатлашдик. У кишининг айтганлари ҳозир ҳам худди кечагадек ёдимда. — Сенга айтадиган бир гапим бор, — деганди ушанда Фармон бобо. — Бу гапларимни, албатта, ҳамма билишини истардим. 9 май Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишон-

ланиши кўнглимиздаги гап бўлди. Чунки халқимиз иккинчи жаҳон урушига қадар ҳам кўп ур-сурларни бошидан ўтказган. Кўп қурбонлар берган. Агар билсанг, аввалги тузум даврида 9 май галаба куни сифатида нишонланарди. Шу сана атрофида биз — иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини турли давраларга тақлиф этишарди. Фармон бобо. — Бу гапларимни, албатта, ҳамма билишини истардим. 9 май Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишон-

келмасди. Чунки бундай йиғинларда бизгача бўлган урушларда эл-юрт озодлиги учун курашган, жон олиб, жон берган, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган боболаримизнинг номлари тилга олинмасди. Энг ёмони, улар ҳақида бизга ҳам гапиртиришмасди.

Яратганга шукр. Мустақилликдан кейин улар ҳақида, уларнинг қахрамонликлари ҳақида очик-ошкор айтила бошланди. Қизил тузум фарзандларимизга босмачи, деб ўқитган боболаримиз аслида миллатпарвар фидойилар эканини биз билардик. Лекин буни айта олмасдик. Яхшики, бугун буни фарзандларимиз ҳам билади...

Ушанда Фармон бобо кўп гапларни айтиб берган.



1995 йили МДХда биринчи бўлиб Ўзбекистонда 34 жилдан иборат "Хотира" китоблари чоп этилди. Уларда иккинчи жаҳон урушида шайх кетган 431 мингдан ортиқ юртдошимиз ҳақида маълумотлар жамланган.

"Нуроний" жамғармаси МК ва унинг худудий бўлимларида мурожаат этган фуқароларнинг илтимослари инобатга олиниб, Мудофаа вазирлигининг жойлардаги бўлимлари билан биргаликда 1995 йили "Хотира" китобларига кирмай қолган 15590 нафардан ортиқ марҳум жангчиларнинг номлари излаб топилиб, "Хотира" китобларининг қўшимча жилди нашр этилган (2005 йилда). 2008 йили ушбу қўшимча жилдларнинг навбатдагиси ҳам тайёрланди. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ва беदारак ўқолган ўзбекистонлик жангчилардан яна 3725 нафарининг номи аниқланиб, "Хотира" китобининг янги нашрига киритилди. Шундай қилиб, урушдан қайтмаган 450 минг нафар жангчиларнинг номи тикланди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланишидан олдин юртимизда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 433 мингдан зиёди урушда қатнашган.

Уруш йилларида республикамизнинг 4 миллионга яқин аҳолиси меҳнат фронтида иштирок этди.


Ўтган йил маълумотларига қараганда, 3 миллионга яқин қария, шу жумладан, 15,5 мингдан зиёд уруш қатнашчиси ва ногирони, 200 мингдан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийси республикамизда истиқомат қилади.

Адлия аралашгач...

Тадбиркорга тўсиқ бўлманг!

Тақдимномага асосан мансабдор шахс ишдан бўшатилди

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2008 йил якунларига бағишланган йиғилишида мамлакатимизда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди ва янги иш ўринлари яратиш ҳамда банд аҳоли даромадининг аксарият қисми улар улусига тўғри келиши кўрсатиб ўтилди.



ШУНДАН келиб чиқиб, ҳозирда бизнинг энг асосий вазифамиз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, тегишли ишларни камайтириш ва турли ноқонуний аралашувларнинг олдини олишдан иборат бўлмоғи лозим. Хусусан, "АТ Пахта банк" Чортоқ филиалида ўтказилган ўрганишда банк бош ҳисобчиси ўринбосари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига зид равишда хусусий тадбиркор Б.Қаюмовнинг мурожаатига белгиланган

тартибда жавоб хати берилмаганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан банк бош ҳисобчиси ўринбосарига нисбатан МЖТКнинг 43-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик ҳолати юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиб, жиноят ишлари бўйича Чортоқ тумани судининг 2009 йил 20 мартдаги қарори билан жарима жазоси қўлланилди. Ҳозирги кунда тадбиркорлар манфаатлари ва қонуний ҳимоясини адлия органларида жорий этилган "Ишонч

телефони" орқали ҳимоя қилиш энг самарали усуллар сирасига кириб бормоқда. Жумладан, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Наргиз ШАШ" масъулияти чекланган жамият раҳбари Ш.Шариповнинг бошқарма "Ишонч телефони"га Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан қўйилган молиявий жаримадан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганилди. Шу нарса аниқланди-

ки, Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талабларини бузган ҳолда 2009 йил 9 мартда "Наргиз ШАШ" МЧЖ ҳисоб рақамига №120033989-сонли инкассо топшириқнома-си ноқонуний қўйилган ҳамда жамиятда ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқишда Солиқ кодексининг талабларига риоя қилинмаган. Вилоят адлия бошқармаси томонидан шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг "Наргиз ШАШ" МЧЖга нисбатан 2008 йил 25 августда 620.550 сўм миқдорда молиявий жарима қўллаш ҳақида қабул қилган қарорини бекор қилиш юзасидан вилоят Давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага асосан айбдор мансабдор шахс эғаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шавкат САТТОРОВ, Шокир ВАФИҚОВ, Адлия вазирлиги масъул ходимлари

МУРОЖААТЛАР

«ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

СУД департаментининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан фуқаро Д.Садинаевнинг суд қарори ижроси таъминланмаётганлиги тўғрисида ёзган аризаси ҳудудий бошқарма томонидан ўрганиб чиқилди.

Прокуратурага топширилди

АНИҚЛАНИШИЧА, Р.Маҳманов ширкат ҳўжалиги тугатилиши муносабати билан ижро ҳужжати 2007 йил 25 январда ширкат ҳўжалиги томонидан бўлимга қайтарилган ва қарздор ҳеч қандай ишламаганлиги сабабли бўлим суд ижрочилари иш юртида бўлиб қарздорга алимент тўлаши тўғрисида бир неча мартаба огоҳлантирилган. Суд ижрочилари томонидан 2009 йил 10 февралда қарздорнинг турар жойи кўздан кеңрилиб, ундирув қаратиш мумкин бўлган мол-мулкларни йўқлиги, қарздор ҳеч қандай ишламаслиги аниқланди. Қарздор Б.Тилавов алимент қарздорлигини тўлашдан бўйин товлаганилиги учун унга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан жиноий жавобгарлик масала-

сини ҳал этиш учун тўпланган ҳужжатлар 2009 йил Пахтачи тумани прокуратурасига топширилди. **Н.САФАРОВ, Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги ўринбосари**



Мансабни суистеъмол қилган...

ҚАШҚАДАРЁ вилояти прокуратураси томонидан Нишон тумани У.Юсупов ММТП ҳудудида яшовчи фуқаро М.Эгамбердиев ва бошқаларнинг аризалари кўриб чиқилди. Аризада тумандаги У.Юсупов ММТП раиси Ш.Узақов ва бошқалар томонидан қишлоқ ҳўжалиги техникалари талон-тороғ қилинганлиги ҳамда қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги кўрсатилган.

АНИҚЛАНИШИЧА, тумандаги У.Юсупов ММТПда Президентимизнинг 1995 йил 5 декабрдаги "Халқ ҳўжалигида ўзаро ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилишида қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғри-

сида"ги ва 1996 йил 24 январдаги "Тўлов интизими ҳамда ўзаро ҳисоб-китоб тизимини мустақкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ва қишлоқ ҳўжалиги техникаларидан фойдаланишга қаратилган қонунларни бажаришда қонунбузилишига йўл қўйилганлиги, шунингдек, ММТП мансабдор шахслари томонидан мансаб ваколатлари суистеъмол қилиниб, солиқ тўловлари қасдан яширилганлиги ҳамда ҳужжатлар сохташтирилганлиги аниқланди. Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми, "а,в" бандлари ва бошқа моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. **М.АЗИМОВ, Қашқадарё вилояти прокурори ўринбосари, 1-даражали юрист**

Адлия: Ҳамкорлик самараси

Аёллар ва ёшлар фаоллиги

уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига ҳам боғлиқ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Конунчилик палатаси депутати Шоира Умарова ҳуқуқий саводхонлик даражасининг ўсиши жамиятда конун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши ҳақида сўз юритаркан, барча конунга риоя этишлари ҳамда мутахассис ҳуқуқшуносларнинг билим ва малакалари етарли бўлиши лозимлигига эътибор қаратди.

Республика юристлар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари Сайёра Ҳужаева ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ижобий таъсир қўриётганини таъкидлади. Бу борадаги ишларни янада такомиллаштиришга оид фикр-мулохазалар билдирди. Адлия

вазирлиги масъул ходими Саида Саид-Газиева хотин-қизларнинг фаол ижтимоий-ҳаётий позицияга эга бўлишлари, айниқса, қишлоқ аёлларнинг сиёсий, ҳуқуқий онгини янада юксалтириш ҳуқуқий демократик жамиятда катта аҳамият касб этиши ҳақида тўхталди.

Қизгин муҳокама, мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори Валида Каримова ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг сифатли ўтказилиши, ҳар бир тарғибот иши аниқ мақсад ва тингловчиларнинг аниқ бир катламига йўналтирилиши лозимлигини, шундангина танланган мазмуни йилганларда атрафлича тасаввур ўйғотиши мумкинлигини айтиб ўтди. Муҳокамада сўзга чиққан Низомий номли

Тошкент Давлат Педагогика Университети профессори Омина Каримова аёллар ва ёшлар ҳуқуқий билимларини ўрганиши ва ўз ҳаётида татбиқ этишининг оила муҳити билан боғлиқ жиҳатлари хусусида фикр билдирди. Адлия вазирлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Тамара Тиллаева аёллар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш учун тадбирнинг долзарб ва тингловчиларни қизиқтирадиган мавзуда, аниқ режа асосида ўтказилиши, тарғибот олиб борилаётган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги хусусида сўзлади. Тарғибот ишларида юзакиликка асло йўл қўйиб бўлмаслиги, белгиланган режаларнинг тўлақонли ижросини таъминлаш муҳимли-

гини қайд этди. Шу билан бирга юрист-педагоглар тайёрлаш борада турдаги тарбия ва таълим даргоҳларини шу соҳадаги мутахассислар билан таъминлаш ёшларга ҳуқуқий таълим-тарбия бериш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилишини ҳамда ТДЮИда адвокатур факультетини очиш ва унинг таркибига болалар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади.

Давра суҳбати қизиқarli ва фойдали фикр-мулохазаларга бой тарзда ўтди, иштирокчилар бир қатор мазмунли тақлифлар айтилганлигини эътироф этдилди. Дилором МАТКАРИМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири, Бахтёр АКРАМОВ олган суратлар

Ўқув даргоҳларида

ҳуқуқий тарғибот ишлари



(Давоми. Боши биринчи бетда)

Яқинда Тошкент юридик коллежда бўлиб ўтган **"Таълим муассасаларида олиб борилаётган ҳуқуқий тарбия ва тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш муаммолари"** мавзудаги илмий-амалий конференция ушбу ҳамкорликнинг яна бир амалий натижаси бўлди.

Мазкур анжуманда ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш омиллари, ҳуқуқий тарғиботга масъул шахсларнинг билим ва малакасини ошириш, тарғиботнинг таъсирчан

усулларини излаб топиш масалалари, бу борадаги мавжуд муаммолар хусусида сўз юритилди.

Конференцияни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Рустам Ниматов бошқариб борди. Унда сўзга чиққан Адлия вазирлиги бошқармаси бошлиги А.Раҳмонов ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилашга оид қабул қилинган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўла ижроси ўқув даргоҳларида ҳуқуқий тарғибот ишлари қандай ташкил қили-

ганлиги билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети профессори Омина Каримова ҳуқуқшунос-педагоглар тайёрлаш масаласига эътибор қаратди. Адлия вазирлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Т.Тиллаева ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масъул шахслардан, аввало, фидойилик, бу ишга масъулият билан ёндашишни талаб этиши, тарғибот ишлари ҳар томонлама шаклдан ва мазмундан яхши тайёргарлик асосида юқори профессионал даражада

ўтказилиши лозимлигини таъкидлади. Анжуманда қатнашган республикамиздаги ўрта махсус касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича масъул ходимлари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари муҳокама чоғи амалий тажрибалар, тарғибот тадбирларининг қандай самара бераётганлиги, мавжуд муаммолар ҳақида ҳаётий мисоллар ёрдамида фикр-мулоҳаза билдиришди.

(Ўз мухбиримиз)



Хотира уйғонса гўзалдир...

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Уша Йили Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида мамлакатимиз похтаҳтида Юртбошимиз ташаббуси билан Хотира мажмуи очилди. Янаги гал қишлоққа борганимда Фармон бобога шу ҳақида айтиб бердим. Бобо ҳам очилиш маросимини телевизорда кўрган экан. Мен билан похтагга отланди. Угиллари "Ота ёшингиз саксондан ошди. Йўл узок. Қийналиб коласиз", деб қаршилиқ қилган бўлишди. Оксокол кўнмади. "Бораман", деб туриб олди. Бирга келдик. Мотамсаро она ҳайкалининг зиярат килдик. Кейин Хотира китобларини варақладик. Фармон бобонинг илтимоси билан Навойи вилояти, Хатирчи туманининг Олтинсой

ҳўжалигидан урушга кетиб, қайтмаган аскарларнинг исми-шарифларини ўқиб бердим. Мен ўқияман-у, бобо сим-сим йилгаппти. Бир пайт "тўхта", деди. Тўхтадим. "Ҳозир ўқиганингиз қайтадан ўқи", деди. Уқидим. "Сафаров Турсун. 1941 йилда урушга кетиб, 1942 йилда ҳалок бўлган..."
Шунда бобо кўзида ёш билан "бу Турсун ака-ку", деди. "Ўзимизнинг Турсун ака! Танидингми?!", деб сўради. У киши ўша пайтда мен - Иккинчи жаҳон урушидан йигирма йил кейин туғилган йигит Турсун Сафаров деган инсонни танимаслигим ҳақида ўйламасди ҳам. Танимаганим-ни айтдим. "Эй", деб қўл силтади бобо жаҳл билан. "Ахир бу ўзимизнинг Турсун

ака, Шамшининг отаси. Наҳотки танимасанг?" "Танидим", дедим. Чунки Шамши акани танийман. Лекин отаси ҳақида билмасдим. Шундан сўнг бобо тўқилганиб гапира бошлади.
— Билсанг, қишлоғимиздан, яъни Кўпайидан биринчи бўлиб Турсун ака урушга кетган эди. Ундан кейин ҳам кўпчилик кетди. Уларнинг аксарияти беғона юртларда ҳалок бўлиб, хоки поклари ўша жойларда қолиб кетган. Санокли одам қайтганимиз. Фақатгина Турсун ака на қайтди, на у ҳақида бирор-бир хат-хабар бўлди. У яқин-яқинларгача бедарак кетганлар рўйхатида эди. Мен бугун қайтаман. Бориб Шамшига отаси ҳақида айтиб беришим керак...

Шундай қилиб, бизнинг ҳай-ҳайлашимизга қарамай, саксон яшар отахон беш юз километрлик йўлдан келиб, яна қишлоққа қайтиб кетди. Мен ўшанда у кишининг кечинмаларини, юрагидан кўпган галаёнини ҳис қилганман. Ҳалигача бу ҳолат кўз олдимида келса, титраб кетаман.
Мен гувоҳ бўлган ҳодиса **ТИРИК ХОТИРА** эди. Турсун Сафаровнинг номи Хотира майдонидаги китобдан ўрин олиши, **ТИРИК ҚАДР** эди. Ватан учун, эл-юрт озодлиги учун тўқилган ҳар бир томчи қон унутилмаслигининг **ТИРИК ТИМСОЛ** эди.
ХОТИРА ва **ҚАДРЛАШ** дегани эса мана шу асида?
Ислом ҲАМРО, "Инсон ва қонун" мухбири

Тинчлик қадри

Бу борада ёшларимиз фикри қандай?

ТИНЧЛИКНИ ҳамма ўзича қадрайди. Кимдир бугунги иш куним тинч ўтса дейди, кимдир оилам тинч бўлсин дейди, яна кимгадир имтиҳондан ўтиб олса тинчлик, яна кимгадир осойишта ўтган кун тинчлик, ҳуллас, тинчлик ҳар биримиз учун турфа фикрларни англата-да, унинг асл маъноси кўнгил хотиржамлиги, юрт тинчлиги қадридир. Чунки, қачонки юртинг тинч экан, сен эркин яшаб, озоод ҳаракат қила оласан. Бу борада ёшларимиз фикри қандай?

Элбек МУҲИДДИНОВ, талаба, Бухоро вилояти:
— Тинчлик, шубҳасиз, сўзларнинг ичида энг улугдир. Тасаввур қилинг, мен тинчлик қадри ҳақида гапиряётганимда Ироқдаги ёки Афғонистондаги, Сомалидаги ёки Судандаги, Шри-Ланкадаги ёки Фаластиндаги тенгдошларим қўлларидан қурол билан юрибди. Мана шу биргина мисолнинг ўзи тинчлик ва унинг қадри ҳақида тасаввур ўйғотади.

Дилноза АКБАРОВА, талаба, Тошкет шаҳри:
— Ҳар кун тонгда мусаффо осмонга тикилиш, тунда уйкуга кетишдан олдин ғужгон порлаб турган самодан баҳра олиш бу **ТИНЧЛИК БАХТИ** эмасми?!

Яқин инсонларингиз доимо сезинг атрафингизда. Истаган вақтингиз уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўла оласиз. Дийдорла-

шув онлари сезинг қалбингизни қанчалар кувончга тўлдирди, тўғрими? Бу тинчлик тақдир этган буюк бахт!

Дилдора ЮНУСОВА, талаба, Фарғона:
— Факультетимизда телевидение дарсида намойиш этилган уруш фожалари акс этган видеофильми кўриб даҳшатга тушдим. Ҳозиргина дўстлар билан биргаликда эсон-омон қайтиб, онаси бағрига отилиб, сонинчини босишни оруз қилиб турган йигит уруш қурбонига айланган. Бу ҳодиса шундайин тез содир бўладики, ҳеч ким бунга ишонмай ҳам қолади. Бу — ҳақиқий даҳшат эмасми? Ахир, унинг ҳам биздек бахтли замонларда яшаш орузи бор эди-ку?!

Юқоридаги ҳолатни кўриб, ўтаётган ҳар бир тинч кунимизга қайта-қайта шуқрона айтсак арзийди, деб ўйладим.

Азизбек ТУРДИЕВ, "Ассалом, Ўзбекистон" Студияси бош муҳаррири ўринбосари:
— Яқинда қўшни мамлакатларнинг биринида истикомат қилувчи катта тадбиркор билан суҳбатлашиб қолдим. Тадбиркор яккаю ягона фарзанди Ўзбекистонда ўқиши, яшашини ва шу ерда ишлаб қолишини истишини айтди. Сабаби: "Менда ҳамма нарса бор, лекин кўнглимда хотиржамлик йўқ. Фарзандим тўғри йўлда ўсиб, соғ-омон, тинч юришига тўлиқ қаролат бор, деб айта олмаيمان. Ўзбекистонда конун устувор, демакки, ҳар бир шахсининг ҳавфсиз, эмин-эркин яшашига қаролат бор. Шунинг учун елғизгина фарзандим сезинг юртингизда ўқиб, яшашини истаيمان". Бу ўйлаб топилган воқеа эмас. Бор гап.


Феруза ПўЛАТОВА, талаба, Қашқадарь:
— Тинчликнинг нақадар лазиз эканлигини бир манзаранида яққол кўриш мумкин: Фарзандини ҳарбий хизматга кузатаётган ота-оналар кувончига ва умуман, шу тантанали жараёнга ҳеч эътибор қаратганимиз? Ўғлонларни ҳеч бир давлатда бу қадар байрам, кўнгли тўқил билан армияга жўнатмасалар керак. Бу байрамнинг сабаби, тинчлик, осойишталик. Ота-оналарнинг фарзанди тақдирдан кўнгли тўқ. Шу мунис лаҳзалар ҳақида тинчликни қадрлаш керак.
Ёшлар фикрини "Инсон ва қонун" мухбири Дилфуза ЭРҒАШЕВА эъиб олди

АЖОЙИБ инсон, етук ҳуқуқшунос Мирза ака Турсунов ҳаёт мазмунини эзуғилқар ҳисобига беазаган, эл эъзозини топган фидойи кишилардан.

Эътиром

Устозининг адл сабоғи

1971 йилда Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган М.Турсунов йўриқчи юрист бўлиб, сеvimли соҳасида илк бор иш бошлаган эди. 1976 йилларда бир қатор вилоятларда, жумладан, Қашқадарь вилоятда Давлат арбитражи ташкил этилиб, унинг бош ҳакамлигига ёш, иқтидорли мутахассис Мирза ака Турсунов тайинланди. Бу сиздикдидан қилинган меҳнат, малака-и хизмат, касб маҳорати самараси бўлган, албатта.



Истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимидаги тўб ислохотлар туфайли судларнинг ихтисослашувига эришилди. Жумладан, янги фаолият бошлаган ҳўжалик судларининг мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий соҳаларида конун устуворлигини таъминлашда аҳамияти бугун яққол намоён бўлиб турибди. Қашқадарь вилояти ҳўжалик судида турли лавозимларда меҳнат қилган М.Турсунов бу ислохотларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида муносиб улуш қўшди.
Холмамат ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос

ПОЛКОВНИК Аҳмад Худойбердиев беназир устоз, етук ҳуқуқшунос олим, юксак инсоний фазилатлар соҳиб эди. У Сурхондарь вилоятининг тоғли Ҳўжабўлғон қишлоғида туғилиб ўсган очиккўнғил, қатъиятли, тўғрисиъз, ғамхўр инсон бўлганлигини яқин дўстлари самимият билан эслайди.

Ота ўғити

нафақат фарзандлар, балки шогирдлар учун ҳам мукадррам

У ИЧКИ ИШЛАР вазирлиги академиясида бўлажак милиция офицерларига анча йиллар сабоқ берган тажрибали педагог сифатида катта эъзоз тоған эди. Ички ишлар ҳодимлари доимо адолатга таяниб қонуний иш қўриши, ҳар бир масалани ҳалоллик билан ҳал этиши жуда муҳим эканлигини шогирдларининг фикру шуурига сингдирарди. Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетидаги бир неча йиллик педагогик фаолияти давомида эса ҳамкасблари ва талабаларга билимдонлиги, доимий уйғок шижоати, изланувчанлиги билан ҳаётий ибрат қўрсатарди.



У педагогик ва жамоат ишлари билан ҳар қанча банд бўлма-сини, илмий-ижодий фаолиятга катта иштиёқ ва интилиш билан қарарди. Доимо ҳамкасбларининг илмий ишлари билан танишар, ўзи олиб бораётган тадқиқотлар ва изланишлар ҳақида фикрлашдан чарқамасди. Унинг 30 дан ортиқ китоблари, бир қатор илмий мақоалари олимлар ва кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган. Уларда табииатни муҳофаза қилиш конунчилигини такомиллаштириш, давлат ва ҳуқуқ тарихига оид муҳим масалалар чуқур тахлил қилинган.

Ота касбини улуглаган қизи Феруза ҳам офицер даражасига етди. Юридик фанлар номзооди, доцент Аҳмад Худойбердиев миллий конунчилигимизни тарғиб қилишда фаолият қўрсатганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришда муносиб хисса қўшганлиги учун ҳукуматимиз томонидан қатор мукофотлар билан тақдирланган. Устознинг эзгу ишларини бугун шогирдлари, фарзандлари давом эттиришмоқда.

Ўзоқ Сурхон воқисидан келиб, похтагга бахтини тоғган ҳуқуқшунос олим Аҳмад Худойбердиевнинг асарлари ёшларнинг ҳуқуқий ва маънавий билимларини оширишда хали кўп ийил хизмат қилади.
Мухиддин ПОЛВО

Адлия аралашгач...

Тадбиркорликни ривожлантириш

фаолиятнинг айрим турларини лицензиялашда ҳам намоён бўлади

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ҳамда вилоятдаги туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан тадбиркорлик субъектларига улгуржи ва чакана савдо ҳамда спиртли ичимликлар билан савдо қилиш учун рухсат гувоҳномаларини беришнинг аҳволи ўрганилиб, текширишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, Данғара туманида улгуржи савдо билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномалари ҳокимликда ташкил қилинган Савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти томонидан бериб келинган. Аммо департамент ходимлари гувоҳнома ва лицензияларни беришда жиддий қонунбузарликларга йўл қўйишган.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сонли қарори билан тасдиқланган "Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 14-бандида "хужжатларни кўриб чиқиш ва улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш мuddати ариза ва лицензия олиш учун барча зарур хужжатлар тушган кундан бошлаб



икки иш кунини ташкил этади" деб белгиланган. Лекин 2008 йилнинг 24 апрелида барча тегишли хужжатлари илова қилган ҳолда улгуржи савдо билан шуғулланиш учун лицензия беришни сўраб мурожаат этган "BIKE PATS" масъулияти чекланган жамиятига УCN№000009-сонли лицензия орадан 4 кун ўтган, яъни 2008 йил 28 апрелда берилган.

Бундан ташқари, юқоридаги Низомнинг 11-бандида лицензия талабгоридан маъмур Низомда назарда тутилмаган хужжатлар ва бошқа маълумотларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўймаслиги белгилаб қўйилган бўлса-да, "BIKE PATS" МЧЖдан жамиятнинг Низоми, таъсис шартномаси, таъсисчиларнинг паспорт нусхалари,

яшаш жойидан маълумотнома каби хужжатлар ортқиқа талаб қилинган.

Яна бир эътиборталаб ҳолат шуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 99-сонли қарори иловасининг 13-банди "в" пунктига асосан яқка тартибдаги тадбиркорларга чакана савдо билан шуғулланиш учун рухсат гувоҳномаларини беришда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундириш бекор қилинган бўлса-да, туманда рухсат гувоҳномаси олганлардан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундириб келинган.

Бинобарин, вилоят адлия бошқармаси томонидан аниқланган ҳолатлар бўйича Данғара тумани савдо департаменти бошлиғи С.Мамажоновга ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи Т.Салимовга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддаси 1-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ва жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судининг қарори билан С.Мамажонов ва Т.Салимовлардан 41730 сўм жарима ундирилди.

Агар таҳсилларга назар ташласак, ўтган 2008 йилда вилоят адлия бошқармаси томонидан фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш юзасидан 30 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Жорий йилнинг дастлабки чорағида эса бу кўрсаткич 5 тани ташкил қилди. Бирок гап аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг кўп ёки озлиғида эмас, балки туман, шаҳар ҳокимликларининг шу масалага масъул бўлган ходимлари лицензия ҳамда рухсат гувоҳномалари беришнинг талаб ва шартларига тўлақонли риоя этишларини таъминлашда. Шундагина соҳа тараққиети жадаллашади.

Равшанжон ҚИРФИЗОВ, Фарғона вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Бугун: Маънавиятимиз муаммолари

ХИЗМАТ вазифам тақозосига кўра тез-тез қишлоқ аёллари орасида бўлишга тўғри келади. Куюнчак ва меҳнатсевар, оиласига бор вужудини, куч-гайратини бағишлайдиган аёлларни кўп учратаман. Аммо...

Сепга алмашилган соғлиқ

тилла тақинчоқлару қўша-қўша сеплар саломатликдан афзалми?

БЎСТОН ОПА билан шундай мулоқотларнинг бирида танишиб қолдик. Турмуш ўртоғи тадбиркор, ўзи эса хунарманд экан. Кенгина ховлиларини гўлдай яшнатиб қўйишди. Уч ўғил, уч қизи бор экан. Тўнғич қизини узатиш арафасида турган экан.

— Сиз шаҳарликсиз, ҳар ҳолда дидингиз мендан яхшироқ, — дея опа қўярда-қўймай уйига бошлади. Дастурхон устида эса чақиршдан муддаосини айтди.

— Айланай, қизимнинг сепи тахт, шуни бир кўздан кечириб берсангиз. Яна нималар камлигини айтсангиз. Тўлдириб қўйсан. Қўдаларим олдида яятга қолмай, ахир.

Шундай дея мебель нусха сандиқни очган Бўстон опа кийимлик матолар-у тақинчоқларини кўрсата кетди. Эҳ-е, энг асл матолардан 20 хилдан зиёд, тўрта жемпер, тўрт хил туфли, рўмолларни-ку саногидан хатто адашиб кетди, опанинг ўзи. Тилла узук, сирга, трос, биллакузук.

— Сепингизда бирор камчилик кўрмадим, опа, ҳаммаси хаддан зиёд. Анча пул кетгандир-а буларни йиғишга? — сўрадим бироз истихоло билан.

— Нимасини айтасиз, айланай, бир йилдан бери эгним янги кийим кўргани йўқ, қизларимга ҳам дуруст-роқ нарса олиб беролмадим. Кеча хисобласам, тўрт миллион сўмдан зиёд пул кетибди, айланай.

Шу вақт келин бўладиган қиз чой кўтариб кирди. Унинг жуда озгинлиги, ранги захиллиги эътиборимни тортиди. Ётиги билан шу ҳақда сўрадим.

— Э, ўзи чимхўр, баъзан "вой ошқозоним", деб қолади, баъзан буйрагидан нолийди.

— Дўхтирларга кўрсатмадингизми?

— Э, вақт қаёқда дейсиз. Бунинг устига дўхтирга кўрсатишнинг ўзи бўладими, ҳозир. Эрга тегса ҳаммаси ўнглиниб кетади. Эрак қудам врач, ўзи даволатиб олар,



ахир. Мен ҳам турмушга чиққанымда рангим шунақа заҳил эди. Шу қизимни жуда қийналиб туққанман. Кейин ҳаммаси жойига тушиб кетди. Менга тортганда бу тўнғичим, — Бўстон хола шундай дея шарақлаб қолди.

Уша кунни истихолани йиғиштириб қўйиб, қадрдон бўлиб қолган опахонга анча нарсани тушунтирдим. Қизининг бахтини ўйласа, уни врачларга, албатта, кўрсатиш лозимлигини уқтирдим. Бўлмаса оқибати ёмон бўлишини очик айтдим.

Бўстон опа ўшанда кўнган-дек бўлганди. Кейин эшитсам барибир тўйга бир ой қолганини, харажатлар кўпчилиги кетган. Бунинг устига жигар, буйраги шамоллагани туфайли, келинимизга ҳомиладор бўлиш умуман мумкин эмас. Эҳ, қудалола сепу сарполарга сарфлаган пулининг ҳеч бўлмаса ўндан бирини қизини даволатишга, ейиш-ичишига ишлатса эди, бу хунук оқибат келиб чиқмасди.

Кўриб турибсизки, сандиқ тўла сеп Бўстон опага (айрим сабабларга опанинг исмини қийналиб туққанман. Кейин ҳаммаси жойига тушиб кетди) обрў келтиргани йўқ. Уйлайманки, бу унга яхшигина сабоқ вазифасини ўтади, ҳеч бўлмаса қолган икки қизини узатаётганда бошқачароқ йўл тутади, балки.

"Қишлоқ тараққиети ва фаровонлиги йили"да амалга оширилмаган ишлар акс этган туман дастурига қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш, равон йўллар қуриш, барча хизмат турларини ривожлантириш билан бирга алоҳида бандда кўрсатилган муҳим бир вазифа борки, буни ҳеч унутмаслигимиз лозим. Бу, аввало, никоҳ ва туғиш ёшидаги қиз-жувонларга алоҳида гамхўрлик кўрсатишга қаратилган долзарб ишлардир. Ёни, соғлом онадангина соғлом фарзанд туғилиши яна бир бор эслатишга бўлганда.

Уни амалга ошириш эса тиббиёт ходимлари-ю, маслалатчи аёлларимиз, ёш оналар-у, бўлгуси келинлардан бирортаси ҚВПлар назаридан четда қолмаслиги зарур. Фарзанднинг бахтини ўйлаган ота-она эса биринчи қалда ана шунга эътибор бериши, етарли шарт яратиши шарт ва зарур.

Нурнисо БОБОЕВА, Шахрисабз тумани ФХДБ бўлими мудири

Донимиз — нонимиз

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси ташаббуси билан Тошкент Давлат аграр университетиди "Қишлоқ хўжалик экинзорлари пайхон қилинишига қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор мазмун-моҳияти юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

ТАДБИРДА Вазирлар Маҳкамасининг маъмур қарори ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ўртасида имзоланган қўшма буйруқ ижроси, шунингдек, 10 январда қабул қилинган қарор тарғиботини олиб боришга масъул ишчи гуруҳлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги экинзорларини пайхон қилганлик учун қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари ҳақида гапирганда биринчи навбатда, мамлакатимиз раҳбари томонидан 2005 йил 3 мартда қабул қилинган ПҚ-22-сонли Қарорга асосан экинзорлар пайхон қилинган жойда ушланган чорва моллари фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органларига топширилиши ҳамда улар фақат чорва моллари эгасига нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жазо чоралари қўллангандан сўнг ва етказилган зарар тўлиқ ундириб олингандан кейин қайтариб берилиши белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Жойларда қишлоқ хўжалиги экинзорларини пайхон қилишнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳар биримиз қанчалик кўп тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсак, шунча самарали бўлади ва дастурхонимиз тўқинлиги, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалишига эришишимиз мумкин.

Зоиржон ЭРҒАШЕВ, Тошкент вилояти адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, Давлат қўмиталари, уюмлари ва банклари, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

2008-2009 ўқув йилида битирувчиларни республика бўйича вилоятлар кесимида жойлашувини тақдим этади. Малакали ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёжи бор бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари йўллашма бўйича ишга юборилишини сўраб, қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 233-14-51, 8 (371) 233-60-92, Факс: (371) 233-37-48, (371) 236-15-23, E-mail:tsil_devonxona@mail.ru Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, Тошкент Давлат юридик институти.

2008-2009 ўқув йилида битирувчи бакалаврлар тўғрисида маълумот

Table with columns for region (e.g., Andijon, Bukhoro, Jizzax, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surkhondaryo, Sirdaryo, Toshkent viloyati, Farg'ona, Xorazm, Kashkadaryo, Boshqa respublikalar) and rows for subjects (e.g., Jurisprudence, State Law, Criminal Law, etc.).

Эслатма: Малакали ҳуқуқшунос кадрлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни мурожаат қилган корхона ва ташкилотларга қўшимча равишда тақдим этилади.

Эслатма: Д — давлат гранти, Ш — шартнома

"Ишонч телефонлари"

ЁНГИН хавфсизлиги соҳасига оид ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва қонун бузилиши ҳолатлари билан боғлиқ масалалар бўйича ЎЗР ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг бўлинмаларига қуйидаги ишонч телефонлари орқали мурожаат қилишингиз мумкин. ЎЗР ИИБ ЁХББ ишонч телефонлари — 8-371-234-55-93, 8-371-234-58-36



- Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ 8-361-223-89-45, 8-361-223-90-74
Андижон вилояти ИИБ ЁХБ 8-374-222-34-45, 8-374-222-30-32
Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ 8-365-222-09-99, 8-365-222-77-15
Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ 8-372-226-45-28, 8-372-226-57-63
Кашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ 8-375-221-19-45, 8-375-221-13-04
Навоий вилояти ИИБ ЁХБ 8-436-770-25-73, 8-436-224-80-91
Наманган вилояти ИИБ ЁХБ 8-369-226-31-38, 8-369-226-47-53
Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ 8-366-233-02-69, 8-366-233-36-32
Сурхондарё вилояти ИИБ ЁХБ 8-376-223-21-13, 8-376-223-39-21
Сирдарё вилояти ИИБ ЁХБ 8-367-225-31-03, 8-367-225-15-10
Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ 8-371-265-04-49, 8-371-264-37-53
Тошкент шаҳар ИИБ ЁХБ 8-371-244-12-62, 8-371-234-52-42
Фарғона вилояти ИИБ ЁХБ 8-373-224-38-17, 8-373-224-81-16
Хоразм вилояти ИИБ ЁХБ 8-362-227-44-08, 8-362-227-24-11
Транспорт ИИБ ЁХБ 8-371-256-72-46

